

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 16 январь, Чоршанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 11 (11.072)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамда Республика миллий гоа ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорликда ташкил этган анжуман «Миллий гоа таълими ва тарғиботининг янги технологиялари» мавзуга бағишланди. Унда Фарғона Давлат университети, Политехника, Қўқон педагогика институтлари, мактаблар, лицей ва коллежларнинг ўқитувчилари катнашди.

● Қарши Давлат университетида Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг малакасини ошириш мақсадида ташкил этилган йуқув курсида бугуннинг кўплаб долзарб мавзулари бўйича машғулотлар ўтказилмоқда.

● «Ёшлар йили» муносабати билан Нуротадаги Эргаш Жуманбулбул ўғли номли дам олиш ва истироҳат боғи ҳомийлар ёрдамида қайта таъмирланиб гўзал масканга айланрилмоқда. Истироҳат боғидаги бунёдкорлик ишлари Нурота тумани кўкаламзорлаштириш бўлими ва «Нур» қурилиш ташкилоти зиммасига юкланган.

● Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида истеъдодли rassomлар Гулнора Раҳмонова ва Ойзода Жуманиёзованинг «Тушларимга кирар дарёлар...» номли ижодий кўргазмаси очилди.

● Олмалик шаҳрининг аҳоли зич яшайдиган худудида «Камалак» деб номланган замонавий бозор қад ростлади. Янги бозор мева-сабзавотлар, кўкатлар ва зираворлар алоҳида сотиладиган 120 ўринли раста, маданий-маиший моллар билан савдо қилувчи 30 та дўкон ҳамда саҳни 1200 квадрат метрлик автомобилларни сақлаш майдончасига эга.

● Тошкентда Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамкорлигида юртдошимиз Владимир Жонибековнинг фазога парвозининг 30 йиллигига бағишланган ракета ва космик макетлаштириш бўйича кўргазма ташкил этилди.

● Қоровулбозордаги Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика бўлими ишчиси Наврўз Очиловга корхона ҳисобидан қурилган, барча қулайликларга эга беш хонали котежнинг қалити топширилди. Айни пайтда заводнинг яна 35 нафар ишчи-хизматчиси Нефтчилар шаҳарчасида ҳовли тўйларини нишонлади.

● Жаҳоннинг энг моҳир хунармандлари асарларига сифат белгисини бериш бўйича ЮНЕСКО томонидан ўтказиб келинаётган танловнинг 2007 йилги якунига кўра, ўзбекистонлик 11 нафар уста ўз маҳсулотига нуфузли халқаро ташкилотнинг сифат белгисини олишга эришди.

ЖАҲОНДА

● Беларус Хавфсизлик Кенгаши мамлакатда атом электр станциясини қуриш ҳақида қарор қабул қилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра қурилиш ишларига 4 миллиард долларга яқин маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

● Покистон оммавий ахборот воситалари мамлакат собиқ бош вазири Беназир Бхуттонинг ўлдирилиши бўйича текширув ишларини олиб бораётган британиялик мутахассислар тўплаган маълумотлар муҳолифат етакчисига нисбатан уюштирилган суиқасд ортида «Ал-Қоида» террорчилари турганлигини таъкидламоқда.

● Кеча Байрутда АҚШ элчихонасига тегишли машинанинг масофадан туриб бошқарилган ҳолда портлатилиши натижасида 4 нафар Ливан фуқароси ҳаётдан қў юмди, бир АҚШ фуқароси тан жароҳатларини олди.

● Чеченистон Ички ишлар вазири Руслан Алхановнинг таъкидлашича, Грознийда ўтказилган махсус амалиёт чоғида жангарилар етакчиларидан бири Увайс Тачиев йўқ қилинган. Айтиш керакки, Тачиев ҳуқуқ-тартибот идораларининг бир неча ходими ўлимига алоқадордир. Амалиёт пайтида шунингдек, яна уч нафар террорчи ҳам ҳаётдан қў юмган.

● Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳри яқинида йўловчи поезд бекатда тўхтаб турганида юк поездининг унга катта тезликда келиб урилиши натижасида 50 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олган. Айни пайтда махсус комиссия томонидан воқеа сабаблари ўрганилмоқда.

● Доғистондаги битмаган уй ертўласида турли ҳужжатлар ва қалбаки пуллар яшаш билан шуғулланувчи жиноий гуруҳ қўлга олинди.

● Кеча Швейцария ва Австрияда жорий йилда бўлиб ўтадиган футбол бўйича Европа чемпионати чипталарини интернет орқали сотиш жараёни бошланди.

● Уэльсдаги Бангор университети олимлари заминдаги энг қари тирик жонзотни топганларини билдирдилар. Улар Исландия соҳилларида океан венуси турига кирувчи моллюскага дуч келишган. Ушбу моллюска 405-410 ёшда деган ҳулосага келинди. «BBC News» ахборот агентлигининг таъкидлашича, мазкур топилма ҳайвонлар ўртасида узок умр кўриш бўйича норасмий жаҳон рекорди ҳисобланади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

МАМЛАКАТИМИЗДА КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА СИФАТЛИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ КўПЛАБ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА. «DESK INVEST» ЎЗБЕКИСТОН-АВСТРИЯ ҚўШМА КОРХОНАСИ ҲАМ БУ БОРАДА ФАОЛЛИК КўРСАТИБ, ФУҚАРОЛИК ВА ИЖТИМОЙ ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН СИФАТЛИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШГА МУҲИМ ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА.



Иқтисодиёт

ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИ



Мазкур қўшма корхона 2003 йилдан ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаган бўлиб, ҳозирги пайтда бу ерда металлдан ясалган рангли полимер қопламали металлчерепица ҳамда руҳли металлдан профили қоплама ишлаб чиқарилади. Корхонага Финляндиянинг машҳур фирмаси «SINTECH»нинг жиҳозлари ўрнатилган. Унинг таркибига компьютерлар билан жиҳозланган иккита ишлаб чиқариш линияси киради. Линияларнинг бирида металлчерепица, ик-

кинчисида эса профили қоплама ишлаб чиқарилади. Республикада ушбу ишлаб чиқариш линияларининг мўқоби йўқ. Шу сабабли корхона ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келадиган муаммолар Финляндиядаги ишлаб чиқарувчилар ёрдамида тезкор суръатларда ҳал қилинмоқда.

Қўшма корхона ўз фаолиятида учта тамойил — аниқлик, сифат ва маркетинг бирлигига амал қилади. Шу туфайли «Desk invest» қурилиш материаллари бозорига жиддий ва муносиб ҳамкор сифатида шухрат қозонишга муваффақ бўлди.

— Металлчерепица ишлаб чиқаришда бизнинг жамоада Россияда тайёрланган полимер қопламали юқори сифатли пўлатдан фойдаланилади, бу эса маҳсулотимизга 50 йиллик кафолат бериш имконини яратди, — дейди «Desk invest» қўшма корхонаси бош директори Шавкат Аҳмедов. — Бизнинг таъминотчиларимиз — Новолипецк ва Магнитогорск металлургия комбинатларидир. Корхонамиз маҳсулотлари барча талабларга жавоб беради ва тегишли сифат сертификатига эга. Ўтган йили корхонамизда уч минг тоннадан зиёд металлчерепица ишлаб чиқарилади.

Қурилишда мазкур корхона маҳсулотларидан фойдаланган йирик объектлар қаторида «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги сувиш ҳавзасини, ижтимоий соҳа объектларини, жумладан, касалхоналар, поликлиникалар, мактабларни қайд этиш мумкин.

Қурилишда мазкур корхона маҳсулотларидан фойдаланган йирик объектлар қаторида «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги сувиш ҳавзасини, ижтимоий соҳа объектларини, жумладан, касалхоналар, поликлиникалар, мактабларни қайд этиш мумкин.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: қўшма корхона фаолиятини давлат раҳбарлари

Кечка сатрларда

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш чораларига бағишлаб ўтказилган семинар-тренингда туман маданият уйлари бадий ҳаваскорлик жамоалари раҳбарлари иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** Ахборот технологиялари университетида ўтган куни талабалар ва ўқитувчилар иштирокида уюштирилган тад-

бир «Менинг армиям — менинг таянчим» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат архитектура ва қурилиш институтида уюштирилган тадбирда мамлакатимизнинг ҳарбий салоҳиятини янада ошириш чоралари хусусида сўз борди.

● **ТОШКЕНТ** Фото уйида ўтказилган тадбирда иқтидорли ёш rassomлар ҳамда тасвирий санъат соҳасида фаолият юритаётган журналистларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш борасида фикр алмашилди.

● **МИЛЛИЙ** санъат марказида болалар кийимлари дизай-

нерлари, модельерлари иштирокида уюштирилган семинарда 4-6 март кунлари шаҳримизда болалар кийимлари фестивалини муваффақиятли ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси ташаббуси билан шаҳримизда ташкил этилган янги йил манзаралари акс эттирилган паннолар кўргазмаси ҳамшаҳарларимизда илқ таассурот қолдирди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙўЛЛАРИ» ДАВЛАТ-АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТГАН ҲОЛДА, ДИЗЕЛЬ ЛОКОМОТИВЛАРИ ПАРКИНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛМОҚДА. КОМПАНИЈАНИНГ АНА ШУНДАЙ ҲАМКОРЛАРИДАН БИРИ — ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ (ЕТБ) ДИЗЕЛЬ ЛОКОМОТИВЛАРИ ПАРКИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШГА ЙўНАЛТИРИЛГАН ЛОЙИХАНИ МОЛИЯЛАШТИРМОҚДА.

ЛОКОМОТИВЛАР ПАРКИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

Лойиҳани амалга оширишдан кўзланган мақсад дизель локомотивларининг ёқилиш сарфи ва уларга техник хизмат кўрсатиш нарҳини камайтириш, юк тортиш кучини ошириш ҳамда атраф-муҳитга таъсирини яхшилашдан иборатдир.

ЕТБнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасидан ЎЗА муҳбирига маълум қилишларича, 10 йил мuddатга 68 миллион АҚШ доллари миқдорига кредит ажратилган. Ушбу маблағ янги дизель двигателлари, ўзгарувчан токнинг асосий генераторлари, совушти тизимлари ва магистрал ҳамда ҳаракатчан локомотивлар учун бошқа бутловчи қисмларни харид қилиш ва ўрнатишга сарфланади.

Лойиҳанинг умумий қиймати, жумладан, депонинг бир қисмини реконструкция қилиш ва тепловозлар учун янги эҳтиёт қисмларни ўрнатиш бўйича сарф-ҳаражатлар билан биргалликда 83 миллион долларни ташкил этади.

ЕТБ экспертларининг сўзларига кўра, мазкур лойиҳа Ўзбекистонда темир йўл тармоғидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва Евроосиё йўлида савдо-транспорт оқимларини кўпайтиришга оид дастурни амалга оширишга кўмаклашишга йўналтирилган.

Лойиҳа доирасида кўрсатиладиган техник кўмак эса «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясига унга тегишли корхоналарнинг бир қисмини хусусийлаштириш дастурини қўллашга ёрдам беради. Лойиҳани амалга ошириш давомида эгалланган муҳандислик кўникмалари ва тажриба компанияга келажакда улардан фойдаланиш ҳамда минтақадаги кўшни давлатларга шундай хизматларни таклиф этиш имконини яратди.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎЗА муҳбири

ЗАҲАР БАХТАВАРИ: «НАМУНАЛИ САЙЛОВ ЖАРАЁНИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕМОКРАТИЯ ТИЗИМИНИНГ ҲАҚҚОНИЙЛИГИНИ ТАСДИҚЛАДИ»

МАМЛАКАТИМИЗДА БўЛИБ ЎТГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КАМПАНИЈАСИНИНГ ЯКУНЛАРИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЭКСПЕРТЛАР ДОИРАЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ҲАМОН КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙГОТМОҚДА. ЧЕТ ЭЛЛАРДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН МАТБЕА НАШРЛАРИ САҲИФАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНАЁТГАН ҚАТОР ШАРҲ ВА МАҚОЛАЛАР ҲАМ БУ ФИКРНИ ТАСДИҚЛАЙДИ.

«Сайловчиларнинг юқори даражадаги иштироки Ўзбекистондаги Президент сайловларининг ўзига хос ижобий жиҳати бўлди». Малайзияда чоп этиладиган етакчи нашр — «Стар» газетаси ортимида бўлиб ўтган сайловларни ана шундай баҳолади. Мазкур мақола газетанинг шарҳловчиси, сайловларда халқаро кузатувчи сифатида катнашган Пол Габриэл каламига мансубдир.

Газетада Малайзия сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Датук Ван Аҳмад Ван Умар Ўзбекистондаги Президент сайловлари ҳақида қуйидаги фикрларини билдирган: «Илгор демократия моделлари асосида яратилган ўзбек сайлов тизимининг ўрнатилган асосида Овоз бериш кўни сайлов участкаларига кела олмайдиган кишиларга сайлов ҳуқуқини олдиндан амалга ошириш имконияти яратиб берилган. Хизмат тақозосига билан бошқа жойда бўлган фуқаролар ўзларига яқин сайлов участкаларига овоз беришди. Бизда бундай шароитлар мавжуд эмас».

П.Габриэлнинг ёзишича, «Ўзбекистонда фаолият кўрсатётган маҳалла — маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораси тизими сайловчиларни рўйхатга олиш жараёнида ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Маҳалла кўмиталарининг аъзолари рўйхатга олиш учун овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг уйларига бордилар. Сайлов кўни кўмиталар аъзолари сайлов участкасига кела олмайдиган беморларнинг хонадонларига боришди».

«Сайловлар халқ эркинлигининг асосини ташкил этадиган асосий тамойил ҳисобланади. Ўзбекистон яқинда бўлиб ўтган Президент сайловлари билан айнан шунини исботлаб берди».

Ўзбекистондаги сайловлар натижаларини шарҳлар экан, «Стар» газетаси шарҳловчиси Президент Ислол Каримовнинг халқ ўртасидаги юксак обрў-эътибори ва унга бўлган ишонч ҳақида тўхтади. Газета сайловчилардан бири, тиббиёт коллежи ўқитувчиси Уктам Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтиради: «Ўзбекистон учун Ислол Каримов хизмат қилганчалик ҳеч ким хизмат қилолмайди. Бу йил миллий бюджетнинг ярмидан кўпи таълим ва ижтимоий жабага йўналтирилди. Хатто университетларда ҳам беғуп таълим олиш имконияти берилмоқда».

(Давоми 2-бетда).

ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ: ЙИЛ ЯКУНЛАРИ САРҲИСОБИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ КўМИТАСИНING 2007 ЙИЛ ФАОЛИЯТИ ЯКУНЛАРИ САРҲИСОБИ ВА ЖОРИЙ ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЛОЗИМ БўЛГАН ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ҲАЙЪАТ ИЙГИЛИШИ БўЛИБ ЎТДИ. УНИ МАЗКУР КўМИТА РАИСИ Б.ПАРПИЕВ БОШҚАРДИ.

Ҳайъатда Президентимиз Ислол Каримов томонидан белгилаб берилган 2007 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш давлат солиқ хизмати органларининг асосий эътиборида бўлгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар прогноз кўрсаткичларини тўла бажариш, боқиманда ва ортиқча тўловларни қисқартириш, нақд пул маблағларининг банд қилиниши билан айланишнинг барқарорлиги таъминоти бўлиб қолган амалга оширилди. Хуфиёна иқтисодиётнинг олдини олиш борасида амалий натижаларга эришилди. Янги Солиқ кодекси ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 18 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»даги қарорининг ижроси таҳлил этилиб, 2008 йилда Давлат солиқ идоралари зиммасидаги долзарб вазифаларга эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ахборот хизматидан маълум қилинишича, солиқ органлари томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида республика бюджети даромадларига солиқ ва йиғимлар тушуми бўйича 2007 йил учун белгиланган прогноз кўрсаткич 101,4 фоизга бажарилган. Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар — Пенсия жамғармаси, Республика йўл ва Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаларига оид кўрсаткичлар ҳам удаланди.

Прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши борасида кўмита ва унинг кўпчилик бошқарма, инспекциялари фаолият қўрсатган бўлса, айримлари фаолиятида оқсоқлик кузатилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Тошкент, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон, Сирдарё вилоятлари давлат солиқ бошқармалари, шунингдек, Бөёвўт, Сайхунобод, Сирдарё ва Сардоба туман давлат солиқ инспекциялари талаб даражасида иш олиб бора олмади. Йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликлар учун тўрт нафар ходим эғаллаб турган лавозимидан озод этилиб, 15 нафарига интизомий жазо қўлланилди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, Малайзия газетаси тележурналист Нордхил Жалил билдирган фикрларни ҳам ўз ўқувчилари эътиборига ҳавола қилган: «Биз ўзимизнинг буюк мамлакатимиз билан фарқланамиз. Айнан Ислон Каримов жамиятимизда бундан кейин ҳам рўй берадиган иқобий ўзгаришларга етакчилик қилишга қодир бўлган инсондир. Коммунистик тизимдан либерал ва эркин бошқарув модели томон ўзгаришларни рўйбга чиқариш — осон вазифа эмас».

Шу билан бирга, «Стар» газетаси маҳалла кўмитаси етакчиси И. Саидхўмедов айтган сўзларни ҳам қаламга олган: «Мураккабликка эришилгандан бошлаб бу ерда рўй берган ўзгаришларга бир назар ташланг. Бугун Ўзбекистон мустақам иқтисодий таъминот тизими амал қиладиган замонавий давлатдир. Бизнинг Конституциямиз фарзандлар ўзларининг кекса ота-оналарига гамхўрлик кўрсатишлари лозимлигини кафолатлайди».

«Президент сайловларида қатнашшга таъкиф этилган қарийб 300 нафар халқаро кузатувчи бевоситта гувоҳ бўлганлардан келиб чиқиб айтиш керакки, дарҳақиқат Ўзбекистон буюк даврларнинг соҳибидир, дея давом этади П.Габоризл. Марказий Осиёдаги йирик шаҳарда — Ўзбекистон пойтахти Тошкентда яхши ва раво йўллар ҳамда маҳобатли замонавий бинолар билан ажойиб инфратузилма яратилган. Шаҳарда метро фаолият кўрсатаётгани, бу тараққийнинг эркин белгиси ҳисобланади. Пойтахтни Самарқанд билан боғлайдиган тезкор лездда сафар қилиш уч ярим соати ташкил этади».

Сайловларда халқаро кузатувчи сифатида қатнашшга таъкиф этилган олти нафардан иборат Малайзия гуруҳининг аъзоси, ҳуқуқшунос маслаҳатчи, АСЕАН Малайзия юридик ассоциациясининг фахрий котиби С.Раджакришнан эса куйидагиларни баён этди: «Мен шундай мамлакатда бўлдимки, у ерда замонавий жамиятга хос саналган барча меъёрларга амал қилинади. Фундаментал ҳуқуқий таламиллар доирасида қабул қилинаётган ислохот ва чора-тадбирлар менда алоҳида таассурот қолдирди».

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган исроиллик таниқли журналист ва таҳлилий Михаил Фалковнинг таъкидлашича, у ўз миссиясини бажариши чоғида кузатувчи учун зарур бўлган барча маълумотларни ҳеч бир тўсиқларсиз олиш имкониятига эга бўлган. Шу ўринда у сайлов жараёнини кузатиш учун ушталарни мултола мураккаб тарзда танлагани, сайлов кун сайлов комиссиялари раислари ва аъзолари, шунингдек, қатор фуқаро-

лар билан эркин мулоқотда бўлганини қаламга олади.

«Бир сўз билан айтишим мумкинки, овоз бериш чоғида сайловчиларга қандайдир таъсир кўрсатишга ёки сайловларни ўтказиш процессуал қоидалари ва қонунчилик меъёрларини бузишга уринишлар қайд этилмади», дея баёнот беради М.Фалков.

Сайловчиларнинг Ислон Каримов номзоди учун юқори фойзда овоз беришгани сабаблари тўғрисида тўхталар экан, исроиллик журналист куйидагиларни таъкидлайди: «Сайловларда Ўзбекистоннинг амалдаги Президентига ўз овозини берган сайловчиларнинг қайси бири билан сўзлашмайин, улар «Ислон Каримов ба-

ҳаракатларида давом этмоқда ва ҳар йили ўзининг уч муҳим вазифаси — барқарорлик, янада кўпроқ демократия ва фуқаролар фаровонлигига эришиш йўлидан ишонч билан одимламолда».

Ўзбекистондаги сайловларда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган Покистон маданый форумининг президенти Зафар Бахтавари Покистонда нашр этиладиган «The Nation» ва «Nawa-i-Waqt» газеталарида ушбу мавзуга бағишлаб эълон қилинган мақоланинг муаллифи ҳисобланади.

З.Бахтаварининг айтишича, «Ўзбекистон Республикаси мусулмон дунёсида барқарор, демократик, мўътадил ва маърифий мамлакат сифатида жуда тез ривож топмоқда. Ўзбекистон Республикаси ўз муносабатларини бошқа давлатлар билан энг аввало иқтисодий асосларда кураётди».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов бу заминда мусулмон тарихи ва давлатини қайта қурган биринчи қаҳрамон Амир Темурид кейин ўзбек халқининг маданый ва диний анъаналарига янгича руҳ бағишлади.

Ислон Каримов уларни фақат қайта тиклабгина қолмай, Ўзбекистон ҳудудига Имом ал-Бухорий, Бахавуддин Нақшбанд макбараларини, Ҳазрати Имом мажмуасини, шунингдек, бутун мусулмон цивилизацияси учун тарихий аҳамиятга эга бўлган бошқа янги меъморий ёдгорликларини барпо этди».

Муаллиф мақолада Жиззах шаҳридаги 126-сайлов участкасидаги овоз бериш жараёнида ўзи кузатган жараёнларни бирма-бир тасвирлайди. З.Бахтаварининг ёзишича, ақсарият аъзолари маҳаллий мактаб ўқитувчилари бўлган сайлов комиссиясининг иши анча ва пухта ташкил этилган, унда айниқса, катта таассурот қолдирган.

«Сайлов жараёни очик ва ҳалол тарзда ўтгани ҳолда ҳеч бир сайловчи сайлов чоғида нозилиқ билдиргани йўқ», дея ургу беради покистонлик кузатувчи. «Шунингдек, сайлов таъкидлашиш истар эдимки, сайлов участкалари ўрнатилган овоз бериш қутилари шаффоф эди, бу унинг ичидаги бюллетенларни кўриб туриш имконини берди. Мен Покистон сайлов комиссиясига сайловларнинг очик ва ошқоралигини таъминлаш учун ана шундай шаффоф овоз бериш қутиларига эга бўлишни катъиян тавсия этган бўлардим», деб ёзади у.

Ўзбекистондаги Президент сайловлари мусулмон дунёси учун намуна бўлди. Бундай намунали сайлов жараёни халқаро ҳамжамиятга Ўзбекистондаги демократия тизимининг ҳаққонийлигини тасдиқлади, деб ўйлайман», дейди мақола муаллифи.

«Жаҳон» АА

ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ: ЙИЛ ЯКУНЛАРИ САРҲИСОБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг қонунбузилиши, унинг келиб чиқиши сабаблари ва бунга йўл очган шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган тадқиқотмасида қайд этилган ҳолатлар муҳокама қилиниб, бир нафар ҳодим эғаллаб турган лавозимидан бўшатилди. 18 нафар ҳодимга нисбатан интизомий жазо қўлланилди.

Бухоро вилояти солиқ органларида солиқ қонунчилиги назоратини ташкил этиш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молия-ҳўжалик фаолияти юзасида ўтказилаётган текширишлар самарасиз эканлиги танқид қилинди. 16 нафар ҳодим эғаллаб турган лавозимидан озод этилди, 17 нафарига нисбатан интизомий жазо қўрилди. Келгусида бундай ҳолатлар қайта тақорланмаслиги юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Навоий, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятлари давлат солиқ бошқармалари раҳбарларининг хуфийна фаолият юритаётган субъектларни аниқлаш ва уларга нисбатан қонуний чора қўриш бўйича олиб борилаётган тадбирлар юзасидан ҳисоботи тингланди. Мазкур йўналишдаги ишларни қонқарсиз ташкил этгани учун 12 нафар ҳодимга нисбатан интизомий жазо қоралари қўлланилди. Шунингдек, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда хуфийна иқтисодиётга қарши курашиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқишга оид вазифалар белгилаб олинди.

2008 йилнинг 1 январидан янги Солиқ кодексининг амалга киритилиши муносабати билан давлат солиқ идоралари томонидан унинг мазмун-моҳиятини ҳўжалик юритувчи субъектларга етказиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ҳайъат йиғилишида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда солиқ тизими олдида қўйилган вазифаларни самарали бажаришга оид тегишли қарорлар қабул қилинди.

Норгул АБДУРАЙИМОВА, ЎЗА мухбири

РАДИОЧАСТОТАЛАР БЎЙИЧА КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РАДИОЧАСТОТАЛАР БЎЙИЧА ДАВЛАТ КОМИССИЯСИНING НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА КОМИССИЯНИНГ 2007 ЙИЛГИ ИШЛАРИ ЯКУНЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ ВА 2008 ЙИЛГИ ИШЛАР РЕЖАСИ ТАСДИҚЛАНДИ.

Йиғилишда белгиланган барча тадбирлар асосан амалга оширилгани қайд этилди. Радиоалоқа ассамблеяси мажлиси ва Жаҳон радиоалоқа конференциясига тайёргарлик қўриш ҳамда иштирок этиш борасида катта ишлар бажарилиди.

2008 йилда одатдаги зшиттиришдан рақамли зшиттиришга ўтиш, қатор меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, шунингдек, радиочастота спектрини фойдаланишни тартибга солишга доир бошқа чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, радиочастота спектри фойдаланувчилари томонидан ажратилган частоталарда Радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг қабул қилинган қарорларига мувофиқ амалга оширилаётган тажриба ишларининг бориши ҳақидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди. «Ўзбекистон Республикаси норезидентларнинг радиоалоқадан фойдаланиши учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома» янги таҳрирдаги меъёрий ҳужжат лойиҳаси маъқулланди.

Республикамиз ҳудудига радиоэлектрон воситаларни олиб кириш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича қарорлар қабул қилинди. Шу билан бирга, радиочастота спектрини оқилона ва самарали фойдаланишга оид қатор бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

Иқтисодиёт БУЮРТМАЛАР ОРТМОҚДА

КОРХОНАЛАРДА БУЮРТМАЛАРНИНГ ЎЗ ВАҚТИДА ВА СИФАТЛИ АДО ЭТИЛИШИ, ТАЛАБГА БЕКАМУ КЎСТ ЖАВОБ БЕРИШИ ХАРИДОР САФИ КЕНГАЙТИШИДА, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОРТИШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

«Технолог» акциядорлик жамияти таркибида фаолият кўрсатаётган «Технолож-техноласт» корхонасининг иш бошлаганига ҳам кўп бўлма-сада, махсулот турларининг ортиб бораётгани, сифатига алоҳида эътибор қаратилаётгани буюртмачиларни мамнун этмоқда. Корхонада изланишлар асосида меҳнат қилаётган малакали мутахассислар махсулот лойиҳасини тайёрлаб, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда замонавий усуллардан самарали фойдаланиб, ИСО 9001-2000 сифат тизимини қўллашга аҳамият беришмоқда.

Малакали мутахассислар ўз корхоналари истиқболли йўлида меҳнат қилишар экан, ҳаммаша янгилик яратишга интилади. Ишлаб чиқариш цехларининг махсус металл қирқувчи дастгоҳлар билан жиҳозлангани ишчи-хизматчилар меҳнатини энгиллашти баробарида махсулот сифатини таъминлашга аҳамият касб этади. Цехларда тайёрланаётган ностандарт технологик жиҳозлар, металлдан турли хил бутловчи қисмлар, саноатда кенг қўлланиладиган пластмасса махсулотлари бугунги кун талабига жавоб бериши билан ажра-лб туради. Шунингдек, бу ерда хорихдан келтирилган дастгоҳлар учун ҳам бутловчи эҳтиёт қисмлари тайёрланади. Бу, албатта, қўллаб саноат корхоналари учун қўлайлик туғдиради.

Корхонада тайёрланаётган замонавий пластмасса махсулотларидан эса халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида кенг қўлланилади. Жорий йилда корхона мутахассислари янги буюртмаларни адо этиш баробарида турли махсулотлар ишлаб чиқариши ҳам йўлга қўйишни режалашмоқда.

«ШИРИН КУЛЧА» МАХСУЛОТЛАРИ

ХОҲ ЭРТАЛАБКИ НОНУШТА, ХОҲ ТУШЛИК ЁКИ КЕЧКИ ОВҚАТДА ДАСТУРХОНИМИЗДА, АЛБАТТА НОН МАХСУЛОТИ БЎЛАДИ. УНИНГ ҚАДРИНИ ЭСА ЁШУ ҚАРИ ЖУДА ЯХШИ БИЛАДИ.

Ана шу азиз неъматни пойтахтимиз аҳолиси дастурхонига етказиб берувчилар сафида Юнусобод туманида фаолият кўрсатаётган «Ширин кулча» масъулияти чекланган жамияти новвойларининг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли.

Энг асосийси иш фаолиятимизда аҳоли истеъмоли учун зарур ва хуштам нон махсулотининг сифатини таъминлашга эътибор қаратамиз, — дейди корхона технология Ҳафиза Азимова. — Бугунги кунга келиб Германия ва Россия ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган корхонами цехларида 20 турга яқин нон ва булочка махсулотлари тайёрланади. Бойитилган ундан тайёрланаётган ҳар бир махсулотимизнинг инсонлар соғлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишини ҳисобга оламиз. Утган йилда бир нечта парҳез нон махсулотларини харидорларимизга тортиқ этдик. Айниқса, зирали жавдор нони, кепакли булка сингари махсулотларимиз саломатлик учун фойдалидир.

Айни пайтда 50 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоада тадбиркорлар хонадонлар дастурхонига тўйимли нон ва хилма хил нон махсулотларини етказиб бериш йўлида тиниб-тинчимаяпти. Уларнинг тун қоронғусида бошланган меҳнатлари эл дастурхонига файзли неъмат бўлиб кўри бағишлаяпти.

Шарофат БАХРОМОВА

Қарор ва ижро

СУГУРТА ФАОЛИЯТИ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЯДИ

СЕРГЕЛИ ТУМАНИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ ТОМОНИДАН ЎЗ СОҲАЛАРИГА ТААЛЛУҚЛИ ҚАРОР ВА ҚОНУНЛАРИ ПУХТА ЎРГАНИБ, ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ БОРАСИДА ИЗЧИЛ ЧОРА-ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИШ КЕЛИНАДИ.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Сугурта хизматлари бозорини янада ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори суғур-

та хизматлари рақобат бозорини тараққий эттириш, айниқса тадбиркорлик фаолияти, импорт-экспорт операцияларини суғурталаш, суғуртанинг жамғарма турлари соҳасида хизматлар қўла-

мини кенгайтириш ва сифатини ошириш борасида муҳим ўрин тутади.

Сергели туман Давлат солиқ инспекцияси жамоаси томонидан мазкур Қарорнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб уни ҳаётга татбиқ этиш масалаларига бағишланган йиғилишда ушбу қарор атрофида муҳокама қилинди. Қарорнинг айниқса суғурталаш турлари бўйича солиққа тортилмайдиган муқофолар бандига муҳим эътибор қаратилди. Аҳоли ўртасида суғурталаш масалалари бўйича фаол тушунтириш ишларини олиб бориш тадбирлари белгилаб олинди.

(ЎЗ мухбиримиз)

Таълим

ОЧИЛМАГАН ҚИРРАЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ, ЁШ АВЛОДНИ ВАТАНПАРВАРЛИК ВА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҲОРАРИГА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ, УЛАРДА ЮКСАК МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ МЕҲНАТЛАРИ БЕНИҲОЯДИР. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ АНА ШУНДАЙ МАШАҚҚАТЛИ КАСБ ЭГЛАРИ ДОИМО ЭЛ ҲУРМАТИДА ВА ХАЛҚ НАЗАРИДАДИР.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ўқитувчилари жамоаси ҳам келажақда талабаларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

— Жорий йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши ёш авлодга берилмаётган эътибор ва гамхўрликнинг яна бир кўринишидир. Фақат ушбу имкониятлардан ёшлар тўлиқ фойдаланиши ва ўзини кўрсата олиши лозим, — дейди мазкур институтнинг Касбий таълим факультети декани, педагогика фанлари номзоди Собир Жумаев. — «Ёшлар йили» ёшларнинг ўзидан интилиш ва ташаббусни талаб қилади.ZERO, давлатимиз ёшларнинг етуқ мутахассиси, коммул инсон бўлиб етишиши йўлида барча шарт-шароитларни яратмоқда. Бу эса ёшларга ҳам имконият, ҳам синовдир. Чунки ёшлар истиқболимизнинг порлоқ ёғдулари, уларнинг саяб-ҳаракатлари билан анчагина самарали, фахрлинишга арзиғудек ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Биргина касбий таълим факультетида ёшлар ташаббуси ва ҳамкорлигида турли хил йўналишларда фойдаланиш тақдирлари олиб боришмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонимиз шарафини ҳеч муволағасиз айтиш мумкинки шу ёшлар химоя қилмоқдалар. Дунёнинг қайси мамлакатига назар солсанг у ерда ўзбек йигит-қизлари тахсил олмақдалар, касбий маҳоратларини оширмоқдалар, илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Биз ўқитувчилар ҳам талабаларимизнинг онг ва тафаккури, билим доираси, идрок эти билиш қобилиятини ошириши, изланиши ва интилиши, ўз касбини меҳр билан эғаллаши

йўлида ҳаракат қилаяпмиз.

Дарҳақиқат, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти профессор-ўқитувчилари талабаларнинг ўз билимларини янада мустаҳкамлашлари, иқтидор ва истеъдодларини такомиллаштиришлари йўлида баҳоли қудрат ҳаракат қилмоқдалар. «Ёшлар йили» муносабати билан ёшлар учун янгича усулда «Очилмаган қирралар» мавзусида давра учрашувлари ташкил этиш режалаштирилди. Шунингдек, «Ёшлар — изланишда» мавзусидаги янгича бадийий тўғарақнинг ташкил қилиниши ҳам талабалар учун айни муқдодир.

243 нафар талаба тахсил олаётган биргина Касбий таълим факультетида ҳам «Ёшлар йили» муносабати билан бир қанча янги режалар тузиб олинди. «Педагогика ва психология», «Ўзбек ва жаҳон филологияси» кафедралари ҳамкорлида «Касбим—фахрим» танловини ташкил қилишни режалаштириб қўйди. — Бу танловни ташкиллаштиришимиздан мақсад, — дейди декан ўринбосари Шароф Агабов, — талабаларимизнинг ўз касбларига нисбатан нечоғлик иқтидорли эканликларини аниқлашдан иборатдир. Бунда талабалар ўзлари ёзган концертлар ва бадийий мавзудаги дастурларини танлов ҳайъатига тақдим қилишади. Фойдалан эса институтининг раҳбарияти томонидан қимматбахо совғалар билан тақдирланадилар.

Ха, «Ёшлар йили» ёшларнинг гайратига гайрат, шижолатига янада шижоат қўшмоқда. Бу эса қўллаб иқтидорларнинг ва юлдузларнинг кашф қилиниши демакдир.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Туркум адабиётлари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ НАШРИЁТИ БОСМАГА ТАЙЁРЛАЁТГАН КИТОБЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ЮЗ БЕРАЁТГАН ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ЎЗ ИФОДАСINI ТОПМОҚДА.

«Ўзбекистон давлат бошқаруви тарихи» деб номланган тўпلام ҳам шу туркумда босиб чиқарилди. Бу нуфузли нашрда илк давлатлар тарихи ҳақида маълумотлар берилиб, давлат бошқарувининг иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва ҳудудий функциялари мазмун-моҳияти очиб берилди. Академия нашриётининг «Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви» деган янги тўплами эса ўқув адабиёти сифатида тақдим этилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Тадбирлар

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА БЎЛГАНИ КАБИ «ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИДА ҲАМ 14 ЯНВАР — ВАТАН ХИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ШАҲАРЧА ҲОҚИМЛИГИ ҲАМДА «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИНИНГ ШАҲАРЧА КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ҲУДУДДА ЖОЙЛАШГАН ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИ ЁШЛАРИ ЎРТАСИДА «МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ» ШИОРИ ОСТИДА МУСОБАҚА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



Тошкент Тиббиёт академиясига қарашли спорт мажмуасида ўтказилган ушбу муСОБАҚАДАН ёшларни ватанпарварлик руҳида ва соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш ҳамда уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат, она юртра садоқат туғиусини шакллантириш, Ватанни химоя қилиш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлигини ёшлар онгига сингдириш, ёт бўлган ғояларга берилиб кетишларининг олдини олиш каби ҳайрли максадлар кўзланди.

Мусобақани «Камолот» ЕИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши, Тошкент Давлат техника университетини тарбия қилувчи Собир Раҳимов туман кенгаши вакиллари билан иборат ҳақамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Мусобақадан Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей, Собир Раҳимов тиббиёт коллежи, Тошкент Молия институти қошидаги академик лицей, Глиэр номидаги РММАЛ, Тошкент маийий хизмат кўрсатиш ва сервис коллежи ҳамда С. Раҳимов Политехника касб-ҳунар коллежи жамоалари учта шарт бўйича беллашдилар.

Бундан ташқари улар аркон тортиш, «Мерганлик машини», «Кучлилар баҳси» каби шартлар бўйича ҳам ўзаро куч синашдилар.

Қўриқ-танловда биринчи ўринни Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей, иккинчи ўринни С.Раҳимов тиббиёт коллежи, учинчи ўринни эса Тошкент Молия институти қошидаги академик лицей жамоалари қўлга киритдилар.

Фойдаланган «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳоқимлиги ҳамда «Камолот» ЕИХ шаҳарча Етакчилар Кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Зоҳиджон АХРОРОВ,

Ўзбекистон Миллий университети талабаси



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР

Ситам айласанг, шоҳлигингдир тамом, Гадолик килурсан кейин, вассалом!

Ширин уйку шоҳларга бўлмай хато, Агар этса кучсизга кучлик жафо.

Бекордан-бекорга элинг эзмагил, Эрур шоҳ чўпону кўй оддий эл.

Гар ундан жафо кўрса эл ҳар қачон, Ҳақ бўридир, дод унинг дастидан!

Ёмон нияти бирла кетди ёмон, Ҳақ халқига зулм этиб беомон.

Эшитмай, десанг, охир эл қарғишин, Мудом яхшилик айла, ол олқишин.

Ёмон жинсидан қолмади яхши ном, Ёмонлар ёмонлик-ла бўлмай тамом.

Кетиб қолса агар қўлдан тахту тож, Ёқандан олур кўп яланғочу оч.

Қулоғингни тут, гафлатингни қочур, Эшитил — ўлиқлар насиҳат қилур:

Ёмонликка юрмайди яхши киши, Ҳақ яхшилик бирла доим иши.

Ёмон йўлга борар ёмон ҳар қачон, Кўпинча ўлур йўлда мисли чаён.

Биров фойдасин кўзламайди агар, Қаро тош билан тенг эрур ул башар.

Хато сўзладим ман, аё яхши ёр, Қаро тошу темирда ҳам фойда бор.

Ул одам уят бирла ўлса тузук, Гар ундан қаро тош бўлса тузук.

На ҳар кимса йиртқичдан аёло бўлур, Ёмон кимсадан йиртқич афзал эрур.

Ақл кишини чин инсон дегил, Агар қонхўр эрканми, ҳайвон дегил.

Гар инсон эса, ухласа доимо, Не фарқи бўлур ваҳшийдан эл аро?

Агар яхшилик тухмини экмади, Мурод хирманидан унга тегмади.

Эшитган эмасман шу ёшга кириб: «Ёмоннинг жазоси бўлур яхши!» — деб.

Деди кимса ўз ўғлига бир замон (Унутма сен оқил сўзин ҳеч қачон):

«Бил, ўғлим, гўдақларга қилма ситам, Ҳақдан улуг жабр этар сенга ҳам.

Сен, эй беақл бўри, ҳеч билмадинг, Мени шер ёрар, деб хаёл қилмадинг.

Эдим ёшлигимда ажаб зўравон, Кичикларни ранжитган эрдим чунон.

Эдим бир забардаст муштин чунон, Кичикка мушт урмасман шундан бўён».

Ажам мулкида бир қаландарсимон Дер эркан: «Аё шоҳ, Нўшаравон!

Отанга вафо қилганида бу бахт, Қачон сенга теккай эди тожу тахт?

Сен олтинни Қорунча йиғсанг — битар, Қолур хайринг-у, ўзгасин ер ютар».

Замон наҳсу номардга давлат берур, Фариларга қайғу-машаққат берур.

Тугилса тузукдир хотиндан илон, Тугилгунча деви ландек ёмон.

Бутунликча душманга ўтмай яроқ, Кўлингга уни сингани яхшироқ.

Қалам бошига келса ўткир пичоқ, Тили бўлмай ўткир, яна яхшироқ.

Эшит душманингдан хатонгни бутун, Кўрингай гўзал ҳар ишинг дўст учун.


Йўлинг устида чоҳ қазилса агар, Килур дўст ундан сени бохабар.

Йўл озганга, десанг, йўлинг тўғридур, Бу унга жафою ситам, зулм эрур.

Хатонгни демаслар юзингга агар, Жаҳолат-ла айбингни дерсан хунар.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Спорт янгиликлари



ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

ШАҲРИМИЗДАГИ 8-БОКС МАКТАБИДА 1991 ЙИЛДА ТУГИЛГАН ВА УНДАН ЁШ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Турнирда 42 килограмдан 86 килограмгача бўлган жами 15 та вазн тоифаларида 130 нафар қатнашчи голиб ва совриндорлар сафидан ўрин олиш учун кураш олиб борди.

Мураббийлар учун ҳам халқаро мусобақалар фойдадан холи бўлмади. Турнирнинг мурасосида беллашувлари устозларга ёш кучларни кўриқдан ўтказиб,

янги иктидорларни кашф этиш учун ўзига хос синов мактаби вазифасини ўтади.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, аксарият вазн тоифаларида шахримиз ёш чарм қўлқоп усталарининг қўллари баланд келиб голиблар сафини бошқаришди. Жумладан, 42, 44, 46 килограммгача бўлган энг энгил вазн тоифа-

ларида 8-бокс мактаби тарбияланувчилари Ф.Абдухалилов, Б.Мирзаахмедов, А.Ахмедовлар зафар қунишган бўлса, 54 килограммлар ўртасида «Ёшлик» клуби вакили А.Турсунов, кейинги вазнда «Жокей» клубидан А.Абдунабиев, яна 63 ва 75 килограммгача спортчилар бахсида 8-бокс мактаби ва «Жокей» клубидан Н.Тўшбоев ва Р.Тўлагановлар ҳам би-

ринчи ўринларни эгаллашди. Турнирда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти боксчилари ҳам муваффақиятли қатнашди.

Мусобақанинг барча голиб ва совриндорлари ташкилотчилар — 8-бокс мактаби ва «Мехрион Спорт» Республика хайрия жамғармаси томонидан қимматбаҳо совғалар, медаллар ва дипломлар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар Алексей Попов олган суратлар

ҚИТЪА ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

ҲИНДИСТОНДА ШАХМАТ БЎЙИЧА ЭРКАКЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШТИРОКИДА ЖАМОАЛАР ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Эркаклар ўртасидаги беллашувларда иштирок этган шахматчиларимиз сўнгги баҳони Ҳиндистоннинг иккинчи терма жамоасига қарши ўтказди. Биринчи тахтада дона сурган гроссмейстеримиз Темур Гареев Нилотпал Дасни мағлубиятга уратди. Мезбонлар вакиллари Дипан Чакраварти эса халқаро тоифадаги спорт устаси Антон Филипповнинг устунигини тан олишга мажбур бўлди.

Сандали Йўлдошев ва Рохит Гогине, Марат Жумаев ва Арун Прасад ўртасидаги партияларда голиб аниқланмади.

Шундай қилиб, сўнгги учрашувда 3:1 ҳисобида зафар қучган Ўзбекистон терма жамоаси мусобақани тўртинчи ўринда яқунлади.

Хотин-қизлар ўртасидаги еттинчи турда шахматчиларимиз Эрон терма жамоаси аъзоларига қарши дона сурди. Хар икки терма жамоанинг энг кучли шахматчилари — Юлдуз Ҳамроқуллова ҳамда Атуша Пуржошиён ўзаро дуранг ўйнади.

Ҳамюртимиз Ольга Собирова эса кутилмаганда Қадар Пуршай-истаҳга имкониятни бой бериб қўйди. Лекин учинчи партияда Ширин Навабийни мот қилган Нафиса Мўминова умумий ҳисобни тенглаштирди — 1,5:1,5.

Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси мусобақадан олтинчи ўринни эгаллади.

РЕЙТИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

ПРОФЕССИОНАЛ БОКСНИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ ЙЎНАЛИШИ — ҲАЖОН БОКС УЮШМАСИ (WBA) ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАЛАРИНИНГ ЯНГИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

Мазкур йўналишда рингга чиқётган ўта оғир вазн тоифасидаги боксчилар ўртасида ўзбекистонлик Руслан Чагаев жаҳон чемпиони сифатида рўйхатнинг энг юқорисидан қайд этилди. Ундан кейинги кучли ўликни эса собиқ жаҳон чемпиони — россиялик Николай Валуев, беларуслик Сергей Ляхович ва америкалик Жон Руиз ташкил қилди.

Айтиш жоизки, Жаҳон бокс уюшмаси қорига кўра, Руслан Чагаевнинг олтин камарига расмий даъвогар рейтингда дастлабки икки погонани эгаллаб турган Николай Валуев ҳамда Сергей Ляхович ўртасидаги жангда маълум бўлди. Мазкур учрашув 16

февраль кунини Германиянинг Нюрнберг шаҳрида ўтказилди.

Руслан Чагаев эса жаҳон чемпиони сифатида биринчи жангини Буюк Британия вакили Мэтт Скелтонга қарши ўтказди. Ҳамюртимизнинг чемпионлик камари учун ўтказилган беллашуви 19 январ кунини Германиянинг Дюссельдорф шаҳридаги «Burg-Waechter Castello» спорт мажмуида ташкил этилди.

Айни пайтда Р.Чагаев ва М.Скелтон жанги дунё бўйлаб кўлаб мухлису мутахассислар эътиборида турибди. Чунки профессионал боксчилик фаолиятида хали мағлубиятга учрамаган ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси рингда ҳар қандай рақибни мағлуб этувчи тактик ва техник тайёргарликка эга боксчи сифатида шуҳрат қозонган.

Мэтт Скелтон эса ўта кучли зарбага эга. У ўзи галаба қозонган 21 та учрашувдан 18 тасида рақибларини техник ва соф нокаутга уратган. Британиялик боксчи фақат бир маротаба — собиқ мулдак жаҳон чемпиони Майк Тайсонни ҳам мағлубиятга уратган Дэнни Уильямсга очколар ҳисобида ютқазиб қўйган холос. Русланнинг рақиб Жаҳон бокс уюшмаси рейтингига кучли ўн бешталикдан жой олди.

УЧТА ЖАМОАМИЗ КУЧЛИЛАР САФИДА

ГЕРМАНИЯНИНГ ВИСБАДЕН ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ТАРИХИ ВА СТАТИСТИКАСИ ФЕДЕРАЦИЯСИ (IFFHS) ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ 350 ТА ФУТБОЛ ЖАМОАСИНИНГ 2008 ЙИЛДАГИ БИРИНЧИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

Рўйхатни тузишда жамоаларнинг сўнгги 12 ойдаги расмий учрашувларининг натижалари инобатга олинган.

Унга кўра, Ўзбекистондан урта футбол жамоаси рейтингга киритилди. Юртимиз жамоалари ўртасида энг юқори поғонада «Нефтчи» (Фарғона) қайд этилган. Юри Шкарисян шогирдлари ўтган йилнинг сўнгги рейтинг жадвалига нисбатан етти катор юқорилаб, 171-ўринга чиқиб олди.

Ўтган мавсумда мамлакат чемпионлиги ва кубогини кўлга киритган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси эса саксон уч поғона кўтарилиб, рўйхатнинг 184-каторидан жой олди.

Шунингдек, Ўзбекистон миллий чемпионатининг олий лигасида илк маротаба иштирок этиб, мусобақани иккинчи ўринда яқунлаган пойтахтнинг яна бир жамоаси — «Курувчи» футболчилари халқаро ташкилот рейтингининг 315-каторида қайд этилган.

Умумий рўйхатда эса Испаниянинг «Севилья» жамоаси пешқадамлик қилмоқда. Англия чемпиони — «Манчестер Юнайтед» ҳамда Европа чемпионлар лигаси голиби — «Милан» (Италия) футболчилари эса кучли ўликка киритилди.

Боҳир БЕК

Биласизми?

ҚУЁШНИНГ ҲОЛАТИГА БОҒЛИҚ

БИЗДА ҲАР ЙИЛИ БИРИНЧИ ЯНВАР ЭРТАЛАБ СОАТ ОЛТИ БЎЛГАНДА НЬУ-ЙОРҚДА КЕЧҚУРУН СОАТ ЕТИГА ЗАНГ УРАДИ.

Янада гарба караб борасан, Сан-Франциско шаҳрида худди шу маҳал 31 декабрь кечқурун соат тўрт бўлади. Бунинг сабаби юмалок Ер ўз ўқи теваригида бутун бир айлана чизиб ҳаракатланганидир. Ернинг айланishi даврида шаҳарга

Қуёш нур сочиб турса — кундузи, шаҳар сояда қолса — кечаси бўлади. Зеро, кундуз ва кечасининг узунлиги фаслга ва географик кенгликка боғлиқ. Тошкент Шарқий ярим шарда, Нью-Йорк эса Ғарбий ярим шарда, аммо Ер

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 19 февраль кунини соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказилаётган очик аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан 2007 йил 18 декабрдаги 10-0510/3659- сонли ажримга асосан тақдим этилган «Коинот & К» МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 98-уйда жойлашган «Коинот» ресторани биноси (маъмурий ва хўжалик биноси 300 кв.м., савдо зали 512 кв.м.)ни қўяди. Бошлангич баҳоси—331 900 000 сўм. Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб қўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошлангич баҳосининг 10 фоиз миқдорини зақалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минн банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, ҳ/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва зақалат пулларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1. Тел: 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

17 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА Бугун никоҳ тўйлари, зеб-зийнатлар тақиш, савҳатлар, янги уйга кириш, транспорт воситалари, уйлар ва нуфузли кишилар билан боғлиқ ишлар ҳайрли бўлиши кутулади. Шундай кунларда истаранг иссиқлик, узокни кўра билиш қобилияти ва қатъиятлик билан муваффақиятга эришиш мумкин.

Одамларни қойил қолдириш ва қўлайликларга интилиш яқинларингизга кўмаклашишга тайёрлигингиз билан қўшилиб, аτροφингиздагиларни хайратга солади. Бугун тажовузкорлик ва нафрат тўйғунлари ўзини намоён этмайди.

Шунингдек, базилар бугун таъсирчанликка гоят берилувчан бўлишларини эътиборга олиб, унчалик яқин таниш бўлмаганлар билан камроқ мулоқотда бўлишга интилиш маслаҳат берилди. Базилар эса, мириқиб ичкилик ичига мойилликни ҳис этишадикки, бу ҳам албатта яхшиликка олиб бормайди.

Жарроҳлик операциялари бугунча максатда мувофиқ эмас, дейишди мунажжимларимиз. Улар тавсиясига кўра, бугун жисмоний зўриқишдан ўзингизни имкон қадар олиб қочганингиз маъқул.

Тушларингиз у ёки бу тарздаги муаммоларни қандай ҳал этиш йўллари кўрсатиб, кутилмаганда ўнгидан келади.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3960 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимига еки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашрий-матбоа оқшадорлик компанияси босмаҳоласи. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 2 3 4 5 6

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г-07

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563